

Олтин Ўрда давлати ва темурийлар салтанатида феодал бошбошдокликлар, ўзаро низолар, киргин-барот жанглари авж олиши оқибатида XV асрнинг 20-йилларида Дашти Кипчокнинг Шаркий худудларида кўчманчи ўзбеклар давлати таркиб топди. Дашти Кипчокнинг шаркий қисми Волга бўйларидан то Сирдарё шимолигача бўлган худудларни ўз ичига олар эди. Олтин Ўрданинг Жўчи ва Шайбон улуслари ўрамини истикомат қилувчи турк ва турк-мўгул қабилалари XV аср форс тилида битилган манбаларда (Низомуддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззок Самарқандий, Мирхонд ва бошқаларнинг асарларида) «ўзбек» деган умумий ном билан аталганлар. Кўчманчи ўзбеклар деганда биз худди шу уруг ва қабилаларни кўзда тутамиз. Бу давлат 40 йилдан сал зиёдрок вақт ҳукм сурган бўлса-да, аммо Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг кейинги тақдирларига катта таъсир кўрсатдилар. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхон (1428—1468) бўлиб, у темурийлар салтанатига барҳам берган Муҳаммад Шайбонийхон (1450—1510) нинг бобоси эди. XV аср ўрталарига келиб ўзбеклар давлати ҳозирги Қозогистон ва жануби Гарбий Сибириёнинг жуда катта худудларини ўз ичига олган эди. Бу давлатнинг қандай таркиб топгани, раванки ва инкирози, XV асрда шу худудларда кўчманчилик билан тирикчилик ўтказган турк, турк-мўгул қабилалар ва уругларининг ижтимоий-сиёсий аҳоли ҳозиргача тарих фанига унчалик маълум эмас. XV асрдаги ўзбеклар давлатининг ички тузуми яхши ўрганилмаган. Шу даврдаги қозоқларнинг аҳоли ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. 1440—50 йилларда турк-мўгул уругларининг бир қисми Абулхайрхондан ажралиб чиқдилар ва Хоразм, Чу воҳаси, Еттисувга кўчиб келиб жойлашдилар. Шарқ тилларида ёзилган манбаларда мана шу турк-мўгул уруглари ўзбек-қозоқлар ёки қозоқлар деб аталади. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг худудлари археологик жиҳатдан ҳам етарли ўрганилмаган. Шу давлат худудлари озми-кўпми тилга олинган ёзма манбалар ҳам бизгача жуда кам етиб келган. Хуллас, Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари тарихининг мана шу даври ҳали очилмаган кўриқлигича қолмоқда. Бу муаммони тўла ва узил-кесил ҳал этиш келгусидаги Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг ўрта асрлардаги тарихи билан шугулланувчи қадимшунослар (археологлар), тарихчилар, этнограф-элшуносларнинг вазифаси бўлиб қолса керак. Энг муҳими, ҳали бу даврга ва шу мавзуга оид янги археологик, этнографик ва ёзма манбалар топилиши муаммонинг узил-кесил ҳал этилишига ёрдам беради.

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг XV асрдаги тарихига доир археологик ва тарихий асарлардан ҳам унумли фойдаландик.

Ушбу китобда асосан Абулхайрхон давлатининг сиёсий тарихи ёритилади. Ушбу сатрлар муаллифи ўзига маълум бўлган ёзма манбалар, сайёҳларнинг хотиралари, археология ва этнография маълумотлари асосида Олтин Ўрданинг шаркий қисмида кўчманчи ўзбеклар давлати таркиб топиши арафасидаги сиёсий аҳоли мазкур давлатнинг кейинги ривожини, шунингдек кўчманчи ўзбекларнинг темурийлар, қисман Мўғулистон ва қалмоқлар билан муносабатларининг айрим жиҳатларини ёритишга интилади.

«Ўзбек улуси» китобиинг юзага чиқишига қимматли ёрдам берган устозим И. П.

Петрушевскийга, асардаги айрим масалалар юзасидан маслаҳат берган

Санкт-Петербург дорилфунуни Шарқ факультети доценти Л. В Строевага, шунингдек, йирик мутахассис олимлар Я. Г. Гуломовга, М. А. Салохитдиновага, Р. Г. Мукминовага

кимматли маслахатлари ва мулохазалари учун самимий ташаккур айтаман. Шунингдек, камина Санкт-Петербург дорилфунуни Шарк факультети, Осиё халклари институти Санкт-Петербург бўлими, Ўзбекистон ФА Шаркшунослик институти, Сальтиков-Шчедрин номидаги Санкт-Петербур давлат кутубхонаси жамоаларига кўлёмалар фондларидан бемалол фойдаланишга имкон берганлари учун миннатдорчилик билдиради. Китобдаги жугрофий атамалар юзасидан фойдали маслахатлар берган мархум Хамидулла Хасановдан, тарихий хариталарни тузатишда кат нашган Наим Норкуловдан, китоб ношири Асрор Самаддан миннатдорман. Кўлингиздаги китоб кўчманчи ўзбеклар хаёти ва давлати тарихини ўрганиш соҳасида илк кадамлардан биридир.

Мазкур китоб рус тилида Москвада босилиб чикканига чорак асрдан зиёдрок вақт ўтди. Бу орада китоб юзасидан матбуот саҳифаларида бир катор таникли олимларнинг фикр-мулохазалари эълон килинди. Мен шу фикр асосида китобни кайта кўриб, уни бирмунча тўлдирдим.

Китобнинг ўзбекча нашрини тайёрлашда ёрдамлашган Шарк тарихи ва адабиёти ихлосманди Урфон Отажонга ҳам миннатдорчилик изхор киламан.

БИРИНЧИ □ □ БОБ **МАСАЛА МОХИЯТИ. МАНБАЛАР**

Хожи Тархон (Аштархон, Астрахон), Козон, Крим, Мангит улуси хонликлари ва мулклардан кейин вужудга келган Олтин Ўрда тарихини ўрганишда бугунги тарихчилик фани муайян ютуқларга эришди. Олтин Ўрда-нинг инкирози натижасида эса Абдулхайрхон бошлик ўзбеклар давлати ташкил топди. Ўрта Осиё, Козогистон, Волга бўйи ва Крим халклари тарихи билан шугулланувчи ҳамма тарихчиларнинг эътироф этишича, бу даврни изчил ўрганишда Б. Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Аммо айтиб ўтиш керакки, шу пайтгача Абулхайрхон давлатининг тарихи на бизда ва на чет элларда илмий жихатдан етарли даражада ўрганилган эмас.

Биз тадқиқ килаётган мавзунинг баъзи умумий масалалари Н. И. Веселовский, В. В. Бартольд, П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский ва А. А. Семёновлар томонидан озрок ўрганилган.

Н. И. Веселовский Хива хонлиги хақидаги машхур асарида кўчманчи ўзбеклар давлатиинг Абулхайрхон вафотидан (1468—69 йй.) сўнгги аҳоли тўғрисида кискача айтиб ўтади ва ўзбеклар, козоклар ҳамда калмоқларга оид этнографик маълумотларни келтиради. В. В. Бартольд «Улугбек ва унинг даври» («Улугбек и его время») монографиясида Абулхайрхон ва темурийлар ўртасидаги алоқаларга тўхтаб ўтади. А. Ю. Якубовский ва А. А. Семёновлар ўзбекларнинг шаклланиши ва этник таркиби хақида кимматли фикрлар билдиргадилар.

П. П. Ивановнинг «Ўрта Осиё тарихи очерклари» диққатга сазовордир. Бу асарнинг биринчи боби Дашти Кипчок ўзбеклари ва козокларнинг то Ўрта Осиё худудида тарқалгунларигача бўлган даврига бағишланган. Бу бобда у, кўчманчи ўзбекларнинг

сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида бой маълумотлар келтирган.

П. И. Лерхшгаг асарларидан бирида ҳам Абдулхайрхон тўғрисида қисқача эслатма бор. Кўчманчи ўзбеклар давлати ҳақида бунга ўхшаш эслатмалар, маълумотлар яна бошқа бирқатор тарихий рисоаларда учрайди.

Олтин Ўрда тарихи билан шуғулланувчи чет эллик олимлардан Хаммер — Пургштал, М. Дегин, Г. Ховорс ва Б. Шпулерларни кўрсатиш мумкин. Хаммер Дашти Кипчокда ҳокимиятни Абулхайрхон кўлга олганлиги ва темурийларнинг Самарқанддаги тахтини эгаллашда султон Абусаъидга ёрдам берганлиги ҳақида ниҳоятда қисқа тўхталиб ўтади. У Абулхайрхонни Ўзбекхон сулоласига мансуб деган фикрни билдирадигани, бу мунозаралидир. М. Дегин ва Г. Ховорсларнинг маълумотлари баъзан юзаки ва умумий. Дегин султон Абусаъид ва Мухаммад Жўкийларнинг Абулхайрхон ҳузурига Самарқанд тахти учун курашга ёрдам беришини сўраб борганларини эслатиб ўтади. Буниги устига, баъзи жойларда воқеаларнинг саналарини муаллиф хато кўрсатиб ўтади. Масалан, Дегинда, Мухаммад Жўкий ва ўзбекларнинг Мовароуннахрга кириб келиш вақти 1456 йил дейилади, аслида эса бу воқеа анча кейинроқ— 1460 йилда юз берган эди. Ховорс бўлса ҳеч қандай ҳулосалар чиқармай, Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» асари сўнгги қисмининг қисқа мазмунини ва Абулғозихоннинг машҳур «Шажараи-турк» асарида Абулхайрхон тўғрисидаги маълумотларини келтириб қўйган, ҳолос.

XV асрда ўзбеклар билан темурийларнинг муносабатлари ва Абулхайрхоннинг юксалиши ҳақидаги баъзи умумий маълумотлар Х. Вамберининг кенг кўламдаги «Бухоро тарихи» асарида мужассам бўлган.

Биз дуруст ўрганилмаган Ок Ўрда ва Шайбоний улусининг сиёсий тарихи ҳамда XV асрдаги Дашти Кипчок шарқий қисмининг ижтимоий-иқтисодий тарихига имкон бориша тўхталиб ўтамиз. Охириги муаммони ёритиш кўлёзма манбаларнинг ниҳоятда озлиги ва тарихшуносликда кўчманчиларнинг жамоаларидаги патриархал-феодал муносабатлар билан боғлиқ баъзи назарий масалалар ўрганилмаганлиги сабабли анча мушкулот тугдиради. Ўрта Осиё ва Козогистоннинг кўчманчи халқларида мавжуд бўлган патриархал-феодал муносабатлар масаласи ҳали яхши ёритилмагани учун ҳам вақт-вақти билан жўшқин тортишувлар ва баҳслар бўлиб туради. Бу масала 1933 йил июнида ИГАИМК нинг мажлисида, 1954 йили эса Тошкентда ўтган тарихчилар илмий анжуманида муҳокама қилинган эди. Бу анжуманларда баъзи муҳим масалалар ҳал бўлди, аммо кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлардаги патриархал-феодал муносабатлар муаммоси бўйича турли фикрлар билдирилиб, олимлар муайян бир фикрга келолмадилар. Айтиб ўтиш керакки, Тошкент анжуманидан кейин илмий мажалларнинг саҳифаларида мунозаралар ташкил этилди, уларда мутахассис-олимлар ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Китобнинг учинчи бобида биз XV асрда кўчманчи ўзбеклардаги патриархал-феодал муносабатлар ҳақида дастлабки мулохазаларимизни айтиб ўтамиз. Улар XV— XVI асрлардаги Дашти Кипчок кўчманчи аҳолисининг турмушидан хабардор бўлган сайёҳларнинг ахбороти, қадимшунослар (археологлар) изланишлари натижалари ва асл мабалаарга асосланиб билдирилган.

Энди, кўчманчи ўзбекларнинг ўзлари аслида қим бўлганликлари, этник таркиби қандай эканлиги масаласига қисқача тўхталиб ўтайлик.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар кўчманчи ўзбекларнинг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1312—1342) номи билан

боглайдилар. Н. А. Аристовнинг фикрича, Ўзбекхонгача ўзбек номи тарихда учрамайди, шунинг учун ҳам бу ном шу подшонинг номидан бошланган, дейиш мумкин. А. Якубовский «ўзбек» иборасининг пайдо бўлишини «ўзбеклар», «ўзбеки», «ўзбекилар» сўзлари билан боглайди ва ўзбеклар ўз номларини Олтин Ўрда хони Ўзбек номидан олганлар, деган фикрни билдиради. И. П. Иванов ҳам шундай нуктаи назарни тўғри деб билади. «Ўзбек» сўзининг пайдо бўлиши, — ёзади у, — Олтин Ўрда хони номи билан боғлиқ бўлса керак». Четэллик тарихчилардан М. А. Чапличка ва Хильда Хуккэмлар ҳам ўзбекларнинг келиб чиқишини Ўзбекхон номи билан боғлайдилар. Уз пайтида бундай фикрларга В. В. Григорьев карши чиккан эди. А. А. Семёнов ҳам бу фикрнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтган. унинг айтишича, «ўзбек» ибораси Ок Ўрдада пайдо бўлгач, Эрон, Ўрта Осиё тарихчилари томонидан XIV—XV асрларда Ок Ўрдадаги турк-мўгул кабилалари номига кўшиб ёзилган, Ўзбекхон эса Кўк Ўрда, яъни Олтин Ўрданинг подшоси бўлиб, кейинчалик «ўзбеклар» деб аталган кабилалар унга бўйсунмаганлар. Биз А. А. Семёнов ҳақ бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Х. Вамбери, Х. Ховорс ва М. П. Пеллиоларнинг фикрича, Дашти Кипчокнинг турк-мўгул кабилалари бу номни ўзларининг эркинликлари сабабли олганлар (ўз-ўзига бек). Х. Вамберида куйидаги кизик маълумот мавжуд: «Ўзбек» сўзининг туб маъноси — «ўз ўзига бек, хўжайин, мустакил». Ажабо, бу сўз қадимги можорларда (венгрларда) ҳам мартаба, унвон сифатида учрайди ва шу маънода 1450 йилга мансуб ҳужжатларда қайд этилган.

«Ўзбек» сўзи XIII—XIV асрларда, Жувайний ва Рашидиддинларнинг асарларидан ҳам маълум эди. Бу сўз, Элхон Обока (1265—1282) замонида Эронда яшаган Пури Бахонинг (Тожиддин ибн Бахоуддин достонида ҳам учрайди. «Тарихи гузида» нинг Зайниддин Казвиний томонидан ёзилган давомида «ўзбекиён» (ўзбек-чилар), «мамлақати ўзбек» ва «улуси ўзбек» сўзларини учратамиз. Бу ерда сўз Ок Ўрда кўчманчилари эмас, Ўзбекхон ва унинг давлати ҳақидадир.

Шундан кейин, то XIV асрнинг 60-йилларигача «ўзбек» сўзи манбаларда учрамайди. XIV асрда яшаб ижод этган араб муаррихлари: Носируддин ибн Фурат (1361—1404), ал-Асадий (1377—1447), ал-Айнийлар (1361—1451) Ўзбекхон ва ундан кейинги Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган хонларни «шимол даштларининг подшоҳлари», «дашт султонлари», «дашт мамлақатларининг подшоҳлари» ва «кипчокларнинг подшоҳлари» деб атаганлар. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқа бир араб тарихчиси ал-Калкошондий (1418 йилда вафот этган) Тўхтамишни ўзбеклар подшоси дейди. Низомуддин Шомий (XIV аср охири, XV аср) ўз рисоласида Тўхтамиш ўғлоннинг Дашти Кипчокдан Самарқандга келгани тасвирланган ўринда бундай деб ёзади: «У (Темур) Тўхтамишга Ўтрор ва Саврон вилоятларини иноят қилди ва уни ўша ерларга юборди. Бир канча вақт ўтгандан кейин ўзбек подшоси Ўрусхоннинг ўғли Кутлуг Буко кўшин билан келиб Тўхтамиш ўғлон билан жанг қилди».

Маълумки, XIV асрнинг 80-йиллари охирларида, бундан аввалроқ Ок Ўрданинг хони бўлган Тўхтамиш Темурнинг фаол ёрдами билан Мовароуннахрининг шимолий томонларини талон-торож қилиб турарди. 1389 йили Темур унга карши кўшин сурди. Темур кўшини Саригўзан деган ерга етиб келганида, «нўёонлар ва амирлар йигилишиб, «агар биз аввал Анко Тўра устига юриш қилиб у газандани янчиб ташласак, сўнгра ўзбеклар диёрига («Диёри ўзбак») ўтсак маъқулроқ бўларди», деб (Темурга) арз қилдилар. Темур ушбу режага рози бўлиб, Бўрибоши орқали Анко Тўрага карши юриш қилди. Абдураззоқ Самарқандий Темурнинг Анко Тўрага карши юришини батафсил баён

килади, дарвокеъ асарда бундай дейилади: «хижрий 792 йилнинг (милодий 1390) ўзида Темур Мўгулистонга қараб юрди ва йўлда учраган асирлар унга Анко Тўранинг Мўгулистондан қочиб кетиб ўзбек сахроларида (дар сахрои ўзбак) яширинганлигини айтадилар. Темур аскарлари қочоклари уч қунгача ўзбек даштида излаб юрдилар ва, ниҳоят, тўртинчи қуни қоровуллар (разведка) ёғийнинг (душманнинг) шу ерда, яқин жойда эканлиги ҳақидаги хабарни етказишди. Ўтказилгаи қиска маслаҳат-кенгашдан сўнг Темур қўшинларини уч қисмга бўлиб, Анко Тўра ва унинг қўшинини излаб топишга киришди. Жамолиддин Хамид ва шахзода Умар-Шайхнинг аскарлари ёвни ўраб олишга киришди, Темур бўлса ўртада қолиб, душман устига юрдилар. Умар Шайх аскарлари Шербат йўлидан бориб, Қора Хужарни қесиб ўтдилар-да, мўгулларнинг асосий чекиниш йўлларини тўсиб қўйдилар. Киёс мавзеида Умар Шайх Анко Тўрани қувиб етиб, мағлубиятга учратди (Тўра чекинди». Анко Тўрани қувиб Умар Шайхнинг ўғлонлари Олакўлгача бордилар.

Манбаълар Анко Тўранинг Тўхтамиш билан алоқалари тўғрисида бирон-бир хабар бермайдилар. Аммо, мўгуллар, қудратли Темурга қарши қурашиш ниётида у билан (Анко Тўра билан) иттифок бўлишга интиланлар ва 1388 йили ҳақиқатан ҳам мўгул ҳокими Камаруддин (1362-63— 1388-89 йй. ҳукмронлик қилган) Тўхтамиш билан иттифок бўлишга эришиб, Умар Шайхни Жўлақдаги жангда енгилга муваффақ бўлган. Юқорида қелтирилган далиллар, биринчидан, Дашти Қипчокнинг қўл қисми Ўзбек дашти деб аталганидан, иккинчидан эса, бу пайтга қелиб қўчманчи ўзбеклар Сирдарёнинг шимол томонидаги ерларнинг анчагина қисмида ҳукмрон эканликларидан қалолат беради. Тўхтамиш қўшинларининг ақсарияти қўчманчи ўзбеклар эдилар. Хондамир ҳам 1388—89 йиллар воқеалари ҳақида сўз юритганида Тўхтамиш қўшинларини ўзбек қўшинлари (сипохи ўзбак) деб атайди. 1391 йили Қундузчадаги жангда қатнашган қўшинларни ҳам Хондамир ўзбек қўшинлари дейди. Муъинуддин Натанзий, Едигей ва Қутлуг Темурлар бош бўлиб 1399 йили Тўхтамишга қарши қилган аскарларни ҳам ўзбеклар дейди. Едигей, унинг уқаси Исабек ва Олтин Ўрданинг қўзга қўринган бошқа амирлари ҳамда Шодибек, Пўлодхон, Улуг Муҳаммад (ёки Муҳаммадхон) юқорида номлари қелтирилган тарихнавислар томонидан Дашти Қипчок ва ўзбек вилоятларининг ҳокимлари (подшоҳи Дашти Қипчок ва вилояти ўзбак) деб аталганлар. Бу масала бўйича Мирзо Улугбекнинг (1409—1449) «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») рисоласи диққатга сазовордир. Бу асарда Ўзбекхон ўзбек улусига (дар улуси ўзбак) подшоҳ бўлди, дейилади. Сўнгра, 720 х. йилда (1320 мелодий) Саййид Отанинг саъий-харакатлари билан Дашти Қипчок ақолиси мусулмон динини қабул қилдилар. Исломни қабул қилганларни ўзбеклар, қабул қилмаганларни эса қалмик (қалмоқ) деб атай бошладилар.

Қелтирилган маълумотлар ақосида ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, «ўзбек» ибораси Дашти Қипчокдаги турк-мўгул ақолисининг умумлашган атама номи сифатида XV ақрдагина пайдо бўлган. Аммо, ўзбеклар Дашти Қипчокда фақат XIV ақр оқирлари, XV ақр бошларидагина пайдо бўлганлар, деб ўйлаш ҳато бўлар эди. Ҳозирги ўзбеклар, қозоклар, қорақалпоқлар ва бошқа халқларнинг аждодлари шу халқлар ҳозир яшаётган ерларда қадим қамонларда ҳам яшаганлар, лекин ўзбеклар, қозоклар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар. Тарихий, адабий манбаларда Дашти Қипчокнинг шарқий қисмида қадим қамонлардан бери турк қабилалари яшаганлари ҳақида анчагина маълумотлар мавжуд. Бу ерларни XIII ақр бошида қабт этган мўгуллар бўлса, Дашти Қипчокнинг турк қабилалари орасида тез орада сингиб қетганлар ва ҳатто

ўз миллийлигини йўкотганлар. Чингизхон кўшинларининг кўпгина кисмини туркий кабилалар ташкил этганлигини ҳам унутмаслик зарур.

Масъуд ибн Усмон Кўхистоний шаходат беришича, Ок Ўрда, яъни кўчманчи ўзбеклар таркибига куйидаги кабилалар кирган: буркут, киёт, кушчи, кўнгирот, ушун (усун), ўтачи, найман, жот, чимбой, корлик, кенагас, дўрмон, курловут, туб, ойи, мангит, нўкуз, уйгур, хитой, тоймас, эчкй, туман-минг. Камолиддин Виноийнинг «Шайбонийнома» асарида, XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхонни кўллаб турувчи кабилалар орасида яна шодбогли ва шункорли кабилалари ҳам эслаб ўтилади Махмуд ибн Валининг сўзларига караганда, Абулхайрхоннинг кўшинларида уйгур, можор ва кипчокларнинг жанговар гурухлари бўлган.

Бу кабилаларнинг келиб чиқишлари турли хилда Масалан, кўнгирот, нўкуз ва киётлар — мўгулга, тангутлар бўлса — Тибетга тааллуқли.

Хитойлар хусусига келсак, уларнинг аждодлари — X—XI асрларда шимоли-шаркий Хитойда яшаб хукмронлик килган кидонлардир.

Рўзбехон XVI аср бошларида «ўзбекларга уч тоифа («халкни»), яъни кабилалар бирлашмасини тааллуқли, — дейди, — булар Шайбон улусига карашли барча кабилалар, козоклар ва, ниҳоят, мангитлардир». Маълумки, Дашти Кипчокдаги кўчманчи ўзбеклар иттифокипи ташкил этган кўп кабилалар замон ўтиши билан парчаланиб кетиб, унинг бўлаклари козоклар, коракалпоклар, бошқирдлар ва бошқаларнинг таркибига кирганлар, аммо ўзларининг кабила номларини саклаб колганлар.

XV асрнинг бошларида юкорида айтиб ўтилган кабилаларнинг бир кисми (ўзбеклар; шарк муаллифлари иборалари бўйича — «ўзбакон») Шайбонинхон атрофида бирлашиб, Кипчок даштидан Ўрта Осиёга бостириб кирдилар ва hozирги Ўзбекистон худудида тургун бўлиб колдилар. Шу пайтдан бошлаб «ўзбек» ибораси этник маъно касб этди ва бу худуддаги туркий ахоли «ўзбек» номини кабул килди. Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз керакки, кўчманчилар аввал кайси кабилага мансуб бўлсалар, ўша номни саклаб колганлар ва то XX асргача аждодий-кабилавий бўлинишларни саклаб колганлар. Аммо, бу ўзбек халкининг келиб чиқиши XVI асрга тўгри келади, Деган гап эмас. Бу ерда сўз факат «ўзбек» иборасининг этник номи сифатида пайдо бўлган вақти хакида кетмоқда. Маълумки, кадимдан Ўрта Осиёда туркий ва туркий тилда сўзлашувчи халқлар яшаганлар. Дашти Кипчокнинг кўчманчи ўзбеклари бўлса, Мовароуннахрнинг туркий ахолиси орасида сингиб кетиб, «охирги кўшилганлар сифатида ўз номларини уларга берганлар».

Энди, асосий манбалар хакида. Биз тадқиқ этаётган муаммога доир асосий манбаларни кискача баён килишдан аввал, Масъуд ибн Усмон Кухистонийнинг асаридан бошка кўчманчи ўзбеклар давлатининг сиёсий тарихини акс эттирувчи рисоалар йўқ эканлигини таъкидлаб ўтамиз. Аввалги Жўчи улуси гарбий кисмининг тарихи бўйича турли тилларда ёзилган манбалар кўп бўлса ҳам, Шайбон улусининг тарихи манбаларда яхши ёритилмаган- Агар Муъиниддин Натанзийнинг кимматли, аммо деярли ўрганилмаган «Мунтахаб ул таворих» номли асарини хисобга олмасак, бундай манбалар Ўрда улуси бўйича ҳам йўқ. Шунинг учун ушбу сатрларнинг муаллифи темурийлар даврига мансуб, асосан Шайбонийхон замонида ва ундан кейинги пайтларда ёзилган асарларга мурожаат этишга мажбур бўлди. Машаккатли изланишлар натижаси ўларок, катралаб зарур маълумотлар тўпланди. Бу манбалар, биттасидан («Таворихи гузида. Нусратнома») ташқари, форс тилида ёзилган: уларнинг тили замон талабига мувофиқ саж билан ёзилган ўхшатишлар, муболагаларга бой, «Куръони карим» дан ва

хадислардан кўп кўчирилган (айниқса, «Мехмонномаи Бухоро») ҳамда шеърлар кўп келтирилган.

Буларнинг ҳаммаси асарни бойитиб безаса ҳам, маълум даражада ўқишни кийинлаштиради.

Бу асарларнинг муаллифлари ерли феодал хокимларнинг саройларида хизмат килувчи шахслар бўлганлари учун уларнинг кахрамонликлари ва хайрли ишларини мадх этадилар. Бу китобларда хоким бўлган феодал олий табака гоёлари асосий йўналиш бўлганлиги сабабли меҳнаткаш омманинг хаёти ёритилмаган, ижтимоий-иктисодий далиллар кам учрайди. Бу манбаларни танкидий ўрганиш жараёнида уларнинг шундай хусусиятлари хисобга олинди.

Уларнинг баъзиларига кискача тўхталиб ўтамиз. Кўчманчи ўзбеклар хақида, аниқроғи уларнинг темурийлар билан XIV ва XV асрлардаги ўзаро алоқалари тўғрисида Абдураззок Самаркандийнинг (1413—1482) кимматли, аммо шу пайтгача тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган «Матлаъ ус-саъдайн» асарида анчагина маълумотлар мавжуд. Тилининг жимжимадорлиги ва баённинг анъанавийлигига карамай, Абдураззок Самаркандийнинг асари маълум даражада хақгўй бўлиб, Мовароуннахр ва Хуросоннинг XV аср тарихини ўрганиш бўйича бебаҳо тарихий манбадир. Бу асар мутолааси давомида ўқувчи ташки ва ички сабаблар таъсирларида давлатлари инкирозга юз ўгираётган пайтдаги Шохрух ва Абусаъидларнинг даврларини кўз ўнгига келтиради. Зодагонлар ўзаро курашларининг тасвири, кишлок ва шаҳар аҳолисининг ахволи, оз бўлса-да феодал институтлар ва ер эгаллиги (суюргол, тиюл), солиқлар (тамга, сари шуморо ва б.), темурийларнинг кўчманчи ўзбеклар билан ўзаро алоқалари бутун китобда ўз аксини топган ва факат диққат билан ўқилгандагина керакли маълумотларни саралаб олиш мумкин бўлади. Абдураззок Самаркандийнинг асаридан олинган маълумотлар бу китобга кисман асос бўлди.

Мирхонднинг (Мухаммад ибн Ховандшоҳ ибн Махмуд (1433—1498) машхур, салмоқдор асари «Равзатус-сафо» («Покиза жаннат боғи»)да кўчманчи ўзбекларнинг темурийлар билан (масалан, Абдураззок Самаркандий ва бошқа муаллифларда бўлмаган) ўзаро алоқалари хақида баъзи маълумотлар бор. Бу маълумотларга аввало, Жумадук номли ўзбек ўғлонининг 1420 йили Самаркандга элчилар юборгани, Шохрухнинг кўчманчи ўзбекларнинг хуружларидан сакланиш учун салтанатнинг шимолий чегараларини мустахамлаш бўйича амалга оширган тадбирлари киради. Мирхонд ишини унинг набираси, XV асрнинг охири, XVI асрнинг бошларидаги юксак истеъдодли тарихчи Хондамир (Гиёсиддин ибн Хумомиддин Мухаммад Хованд Амир — 1475—1535) давом эттирган. Унинг асари — «Хабибус сийар» («Дўстларнинг хаётномалари») учинчи кисмидаги маълумотлардан ушбу рисоламизда бир мунча фойдаланилди. Бу асарда Султон Хусайн Бойкаронинг (1469—1506) ўзбек хонларидан бири бўлган Мустафо, унинг укаси Шох Будог султон ва кейинроқ Абулхайрхон билан ўзаро муносабатлари батафсил тасвирланган.

Мирзо Мухаммад Хайдарнинг (1500—1551) «Тарихи Рашидий»сида ўзбек зодагонларининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро курашлари ва кўчманчи ўзбеклар давлатининг инкирози озроқ ўз аксини топган.

Муаллифи номаълум бўлган «Тарихи гузида. Нусратнома» да («Сайланган тарихлар. Зафарлар китоби») кўчманчи ўзбеклар давлатининг тузилиши хақида фикр юритишга имконият берувчи маълумотлар мавжуд. Китобда ўзбекларнинг кўшини ва бу кўшинни моддий таъминлаб туриш учун аҳолидан олинадиган солиқлар хақида хикоя килинади.

Бундан ташкари, унда баъзи бир мажбурий хизматлар ва раиятдан олинадиган бошка соликлар (хирож, совурин, ошлиг ва б.) хакида маълумотлар бор. «Нусратнома» эски ўзбек тилида ёзилган ва 1505 йилларда ёзилган. Бу асар туркларнинг кадимги афсонавий аждодлари ва Чингизхондан тортиб то Шайбонийхон томонидан Андижоннинг забт этилишигача (1504 й.) бўлган катта бир даврни камраган.

«Нусратнома»нинг туркларнинг кадимий аждодлари ва Чингизхон хакида хикоя килувчи биринчи қисми алоҳида қимматга эга эмас, муаллифнинг эътироф этишига кўра, ундаги маълумотлар Жувайний, Рашидиддин ва бошка аввалроқ ўтган тарихнавислардан олинган. Булардан ташкари, муаллиф Улугбекнинг «Тарихи арбаъ улус» рисоласидан фойдаланган.

«Нусратнома»нинг фақат икки нусхаси маълум. Бири Шарқшунослик маъҳади (институти) нинг Санкт-Петербург бўлими кутубхонасида, иккинчиси —: Англияда, Британия музейида.

Бу асарда Абулхайрхон вафотидан (1468) кейин кўчманчи ўзбеклар давлатининг ахволи, Шайбонийхон ва бошка ўзбек султонларининг Мовароуннахрга юришлари батафсил ёзилган. «Нусратнома»нинг Абулхайрхон вафотидан кейин, то шайбоний ўзбекларнинг Мовароуннахргача бостириб киргунларигача бўлган воқеалар хикоя қилинган бўлимлари «Шайбонийнома» мазмуни билан деярли бир хил.

Иккала муаллиф ҳам битта асосий манбадан фойдаланган бўлсалар ажаб эмас. Мухаммад Солихнинг (вафоти 941 хижрий, 1534—35 милодий йил) «Шайбонийнома» манзумасида ҳам кўчманчи ўзбекларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига оид анча далиллар бор. Олимлар томонидан хали яхши эътибор берилмаган, аммо жуда қимматли ушбу асарнинг муаллифи Темур ва Шохрухнинг юқори мансабли амирларидан бири бўлган Шох Маликнинг авлодидан Мухаммад Солихдир.

Мухаммад Солихнинг «Шайбонийнома»си Шайбонийхоннинг 1500—1505 йиллардаги қозонган зафарлари ва фотехлигиининг мадҳиясидир. У эски ўзбек тилида ёзилган бўлиб, ўзида бой этнографик далиллар ва ўзбек кўшинлари ҳамда у пайтлари фуқароларга юқлатилган мажбуриятлар, баъзида совурин, омонлик моли (моли омон), ошлиг каби соликлар хакида қимматли маълумотларни ҳам этган. Муаллиф ўзбекларнинг мўғуллар билан, айниқса, уларнинг Тошкентдаги ҳокими Султон Махмудхон (1487—1503 йилларда ҳукмронлик қилган) билан бўлган ўзаро муносабатлари ва Мовароуннахрдаги темурийлар давлатининг XIV аср охирлари — XV аср бошларидаги ахволи хакида муфассал хикоя қилади.

Қамолддин Биноийнинг (1453—1512) Шайбонийхонга бағишланган ва унинг кўрсатмаси билан тузилган «Шайбонийнома» деб аталувчи тарихий асарида ҳам кўчманчи ўзбеклар тарихи хакида анча қимматли маълумотлар бор.

Биноийнинг ушбу асари кўчманчи ўзбеклар давлатида Шайх Хайдархон (1469 й. бошлаб) ҳукмдорлигидан бошлаб бўлиб ўтган воқеаларни хикоя қилади ва Шайбонийхоннинг Хоразмни забт этиши (908 х. й. — раббул охирнинг ўрталари, — 1503 йилнинг октябри, мелодий) билан якунланади. Шайх Хайдархоннинг тахтдан тушиши ва шу билан бирга кўчманчи ўзбеклар давлати инкирозининг сабабини Биноий Дашти Кипчок аҳолисининг хонга бўлган ишончсизлигида деб тушунади. «Абулхайрхоннинг вафотидап кейинроқ, — деб ёзади Биноий, — бу пайтни энг қулай ҳисоблаб, вилоятларнинг султонлари Шайх Хайдархонга қарши бош кўтардилар». Биноийнинг асарини ўқиш давомида ўзбеклар давлатида хон ҳукмронлиги қанчалик заифлашиб қолгани равшанлаша боради. Биноийнинг айтишича, Шайх Хайдархоннинг қўпдан-қўп даъватларига қарамай, ўзининг

шахсий навкарларидан бошка ҳеч ким қароргоҳга келиб кўшилмади, натижада у Ахмадхон, Ибокхон, Бурка султон ва мангитларнинг бирлашган кўшинларига бардош беролмади. Бу маълумотлардан, Абулхайрхондан кейин ўзбек давлатида улуслар таркоклиги қанчалик кучайиб кетгани маълум бўлади. Шайх Хайдархоннинг уларни бирлаштириш учун қилган урипишлари беҳуда кетган эди.

Бундан ташқари, Биноийнинг «Шайбонийнома» сида Шайбонийхон ва Абулхайрхоннинг бошка авлодлари — Кўчқунчи султон, Суюнчхўжа ва бошқаларининг «қозоклик»⁷ йиллари, уларнинг Урусхон авлодлари билан ўзбек улусида ҳукмронлик учун қурашлари ва, ниҳоят, кўчманчи ўзбекларнинг теурийлар ҳамда қозок хонлари билан аввалида Сирдарё бўйи шаҳарлари: Ясси, Саврон, Утрор, сўнгра Мовароуннахр учун олиб борган қурашлари батафсил баён қилинган. Маълумки, Мовароуннахр теурий ҳукмдорларининг ўзлари кўчманчи ўзбек зодагонларини шу пайтда Тошкент шаҳри ва вилояти қўл остида бўлган теурийларнинг шимолий чегараларига таҳдид қилаётган мўғуллар билан қурашга жалб этдилар. Уз навбатида мўғулларнинг Тошкентдаги ҳокими Султон Махмудхон ҳам теурийлар билан қурашда кўчманчи ўзбеклардан мадад олиб турарди. Шайбоний бошлиқ ўзбеклар ҳам гоҳ теурий Оултон Ахмад мирзо га хизмат қилишар, гоҳида Султон Махмудхонга кўмак беришарди. Бу воқеалар ҳақида Биноийнинг биз баён қилаётган асарида муфассал ҳикоя қилинади.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Мовароуннахрда теурийлар ҳукмдорлигининг охириги қуналарини тасвирлаётганда Биноий теурийлар давлатининг инкирози сабабларидан бири сифатида шахзодалар орасида ва уларнинг хизматидаги амирлар орасида бирдамлик бўлмаганини кўрсатиб ўтади.

Биноийнинг «Шайбонийнома»сида кўчманчи ўзбеклар давлатининг тузилиши ва хусусиятлари, уларнинг қўшинларини ем ва озик-овқат билан таъминлаш, кўчманчи зодагонларга қатта қойда қелтирадиган ҳарбий ўлжалар ҳамда ўлжаларнинг тақсимоли, шунингдек кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннахр обод мавзеъларига мунтазам ҳужумлари ва бу юртнинг тинч аҳолисини талаганлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, Шайбонийхоннинг ўзбек улусидаги ҳокимият учун қураш йилларида ҳам, Мовароуннахрда теурийлар билан қураш йилларида ҳам қўллаб-қувватлаган қабилаларнинг номлари ва уларнинг йўлбошчилари исмлари қелтирилган.

Сирдарё бўйидаги ўша даврларда мавжуд бўлган қалъа-шаҳарлар: Арқўк, Узганд, Сигнок, Ясси (Туркистон), Саврон ҳамда Хоразмнинг баъзи шаҳарлари Тирсақ, Вазир, Булдумсоз, Адок ва ҳозирги қуналарда вайронаси қолган шаҳарлар ҳақидаги Биноийнинг маълумотлари эътиборга қойилқидир.

Биноийнинг асари ўқимишли, равон форс тилида ёзилган. Шайбонийхоннинг мирзоси Мўмин мунший томонидан қитобат этилган ва баъзи саҳифаларини (За, 24а, 31 а саҳифалар) Шайбонийхоннинг шахсан ўзи кўчирган энг қадимги нусха (тартиб № 844) ҳозирги пайтда Ўзбекистон ФА сининг қутубхонасида сақланади. Шу ернинг ўзида сақланадиган бошка нусхалар (улар 6 та) эса, XX асрнинг биринчи чорагига мансуб бўлиб, деярли ҳаммаси тўла эмас ва баъзи нусхаларга эга.

Биноийнинг асари Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг ўрта асрдаги тарихини ўрганиш учун қимматли манба бўлса ҳам шу пайтгача нашр этилган эмас. Ўзбекистон республикаси ФА нинг Шарқшунослик институтида унинг матни ва таржимаси изоҳлари билан нашрга тайёрланган. Аммо афсуски, шу пайтгача бу нашр амалга оширилган эмас. Айтиб ўтишимиз қеракки, Биноий «Шайбонийнома»сининг мавжуд бўлган ҳамма нусхалари ҳам

хажм жихатидан кичкина — хар бири 40—41 сахифадан ошмайди. Якинда биз шу пайтгача номаълум бўлган, 104 сахифадан иборат нусхани топишга муваффақ бўлдик. У, Хофиз Таниш Бухорийнинг Бокуда сакланаётган «Абдуллонома» асарига киритилган экан. Унда Абулхайрхоннинг вафотидан сўнг (1468) кўчманчи ўзбеклар улусига хукмронлик қилган Шайх Хайдархон давридан бошлаб кўчманчи ўзбекларнинг тарихи ва Шайбонийхоннинг Самарканд ҳамда бошқа вилоятларни босиб олишигача бўлган (1501 й.) воқеалар батафсил баён қилинган.

Рўзбехоннинг (Абулхайр Фазлуллох ибн Рўзбехон ал-Хунжий ал-Исфохоний ал-Аминий, 1457—1530 йй.) уича машхур бўлмаган ва мутахассислар томонидан кам эътибор берилган «Мехмонномаи Бухоро» асарида ҳам кўчманчи ўзбеклар иктисодий-ижтимоий ҳаётининг тарихини акс эттирувчи қимматли маълумотлар бор.

«Мехмонномаи Бухоро» — Шайбонийхоннинг қозоқ султонлари Бурундукхон (1480—1511 йй.), Қосимхон (1511—1518 йй.), Жониш султон (1509 й.) ва бошқаларга қарши харбий юришларига бағишланган тарихий-ахлоқий асар. Харбий юриш 1508—1509 йй. қишида амалга оширилиб, юқорида номлари қелтирилган султонларнинг улусларини талон-торож ва вайрон этилиши билан яқунланди. Бу харбий юришларга қозоқ султонларининг 1503—1507 йиллардаги бирнеча бор Мовароуннахр воқаларига, айниқса, Қосимхоннинг набираси Ахмад султоннинг 1508 йил Самарканд ҳамда Бухоро атрофидаги қишлоқларни вайронага айлантирган босқинлари бир баҳона бўлди. Рўзбехон ўз қозонасининг йирик қиний арбоби бўлиб, қўпгина шарқ хоқимлари: Султон Ёқуб Оққўюнли (1478—1490), теқурийзода Султон Хусайн мирзо, Шайбонийхон (1501—1510) ва, ниҳоят, Убайдуллохонларнинг (1533—1539) саройларида юқори мансабларни эгаллаб турган.

Рўзбехон қаламига «Мехмонномаи Бухоро»дан ташқари Султон Ёқуб Оққўюнлининг хукмронлигига бағишланган «Тарихи оламороқи Амийний» номли тарихий асар, «Сулук ал мулук» номли сиёсий рисола, Ирок ва Бухорода ёзган бир неча қиний асарлар мансубдир.

Рўзбехон ўз асарини Шайбонийхоннинг харбий юришидан анча илғари бошлаган ва Хиротда 1509 йили август-сентябрь ойларида битирган.

«Мехмонномаи Бухоро» ҳақида биринчи марта П. Иванов ва А. Н. Болдиревлар эслатиб ўтганлар, улар Рўзбехонни тўғрисида ҳам маълумотлар берганлар. Кейинроқ, 1954 йили М. А. Салье1 бу асар ҳақида мақола эълон қилиб, унда Рўзбехон тўғрисида муфассал маълумотлар берган. Аммо, М. А. Салье бу асарнинг мазмунини қискача бўлса ҳам ёритмаган, фақат боблар қозонинг таржимасини бериш билан қегараланган, холос. С. К. Иброхимовнинг шу асарга бағишланган мақоласида «Мехмонномаи Бухоро» даги Қозогистоннинг XV—XVI асрлардаги тарихига оид сатрларга алоҳида эътибор берилди.

«Мехмонномаи Бухоро»дан маълум бир даражада А. А. Семёнов ҳам қойдалангани маълум. Шундай бўлса ҳам, Рўзбехоннинг бу асари шу пайтгача яхши ўрғапилмаган ва қимматли манба сифатида ундан яна анча самарали қойдаланилса бўлади. Унда XV—XVI асрлардаги Ўрта Осиё ва Қозогистон хлқлари ҳаётининг мақаний ва сиёсий жихатларини акс эттирувчи маълумотлар қўп.

Рўзбехон хукмдор зодагонлар олий табақасининг гоқларини ифода этувчи бўлганлигидан, унинг асарида ҳам меҳнатқаш оммаинг аҳоли етарли даражада акс этмаган. Шундай бўлса ҳам, диққат билан ўрғайилганда, ҳозирги Қозогистон ҳамда Ўзбекистон ерларида биз ўрганаётган даврдаги ҳаёт тўғрисида умумий тасаввур ҳосил

килса бўлади.

«Мехмонномаи Бухоро» да кул савдосининг мавжудлиги ва кўчманчи зодагонлар томоидан хўжаликда ҳам, урушларда ҳам куллардан фойдаланиш хақидаги далиллар бор. Бу асарни ўқиб, кўчманчи ўзбеклар шариатга хилоф равишда, асирларга фақат харбий ўлжа сифатида караб, ўзлари асир олган мусулмонларни кул сифатида сотганларидан хабардор бўламиз. Рўзбехон бу асарида Дашти Кипчок кўчманчиларнинг турмуши, кўчманчи киборларнинг (аристократия) хаёт тарзи, ўша замонларда Сирдарёнинг ўрта оқида, икки киргок бўйида жойлашган шаҳарлар — Арқўк, Узганд, Сигнок, Ясси, козок султонларининг ёзлик ва кишлик қароргохлари ҳамда Саврон хақида жугрофий маълумотлар келтирилади. Бундан ташқари, асарда ўзбекларнинг кўшинлари ва уларни озик-овқат, отларини ем-хашак билан таъминлаш, Шайбонийхоннинг молиявий сиёсати хақида баъзи маълумотлар мавжуд.

«Мехмонномаи Бухоро»нинг яна бир қимматли томони, фазилати, унинг XVI асрдаги Дашти Кипчокнинг сиёсий аҳолини ва ўзбеклар билан козокларнинг ўзаро муносабатларини нисбатан ҳақгўйлик билан ёритишидир. Асарда воқеалар кизикарли қилиб, жозибадор ёзилган. Бунинг устига, Рўзбехон Шайбонийхоннинг козокларга қарши 1508—1509 йиллар кишидаги юришида қатнашган, яъни, унинг хикоялари-воқеалар шохидининг баёнидир.

Буларнинг ҳаммаси асарни энг ишончли манба сифатида қўришга асос бўла олади.

«Мехмонномаи Бухоро»нинг тили мураккаб ва жимжимадор: тарихий воқеалар тез-тез баҳс, мунозаралар, турли панд-насихатлар ва шеърлар билан уйғунлашган.

«Мехмонномаи Бухоро»нинг дастхат қўлёзмаси бўлмиш нусхаси Ўзбекистон ФАнинг Шарқшунослик институтида сақланади (№ 1414; 135 Ҳарак). Бошқа бир (915 х. й.— 1509 м. йилга мансуб) нусхаси Истамбулдаги Нури Усмоғия маҷитининг қутубхонасида 3451 тартиб рақами билан ҳисобда туради. Биз Ўзбекистон ФА ШИ да сақланувчи, шу қўлёзманинг қўчирмаси (копия)дан (№ 5885, 222 Ҳарак) фойдаландик. Бу иуспа, 1939 йили, шу институтнинг илмий ходими, марҳум Ибодулло Одилов (1872—1944) томонидан қўчириб олинган.

Бу асар ўзбек тилига таржима қилинса, Ўрта Осиё ҳамда Қозогистон ўрта асрлар тарихининг қўп муаммоларини ҳал этиш ва аниқлашга ёрдам берарди.

Кўчманчи ўзбеклар тарихи бўйича шайбонийларнинг сарой тарихиси Масъуд ибн Усмон Қўхистоний томонидан Абдуллатифхон (1540—1551) топширигига қўра ёзилгаи ва кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхонга бағишланган «Тарихи Абулхайрхоний» («Абулхайрхон тарихи») номли асар асосий ман-бадир.

Масъуд ибн Усмон Қўхистоний хақида баъзи бир ўзи қолдирган маълумотлардан бошқа маълумотлар йўқ. Ўзбеклар томонидан 834 х. й. (1431 м. й.) Қоразмнинг олиниши хақидаги бобда у ўзини Абулхайрхонниинг ўғли Суюнчхўжагоннинг мирзоси бўлганини, сўнгра, унинг вафотидан9 кейин юқорида номи эслатилган Абдуллатифхоннинг саройида хизматда бўлгани ва у ерда кадр-эътибор қозонгани хақида айтиб ўтади. Масъуд Қўхистоний қачон ва қаерда вафот этганини аниқлаб бўлмади. Қар ҳолда, унинг асари аввалги нусхаларидан бири 1590 йил 10 декабрда қўчириб битирилганда у хаёт эмас эди. Бу ҳақда хаттотнинг қуйидаги сўзлари қалолат беради: «Масъуд ибн Усмон Қўхистоний қувваи саодат ва бекиёс қудрат ила, юқсак мартаба ва буюқлик билан қазога бўйсуниб, Аллохнинг номини ва амрини эслаб, унинг (Аллох таолонинг) марҳамати билан ушбу фоний дунёни тарқ этди».

— «Тарихи Абдулхайрхоний» — аслида «умумий тарих», тарзидаги асар, шунинг учун

хам у «оламнинг яратилиши»дан то XV асрнинг 60-йилларигача бўлган даврни камраб олади. Унинг охирги, 32 варақдан иборат қисмида Абулхайрхон даврида кўчманчи ўзбеклар ва улар давлатининг сиёсий тарихи баён этилган. Масъуд ибн Усмон Кўхистоний асарининг кўп қисми (16—214 варақлар) бошқа китобларда олинган маълумотлардан иборатдир (компилятив тарзда). Уни тузишда муаллиф ўз давригача тарихнавислар томонидан ёзилган асарлардан кенг фойдаланган, булар Жувайний, Жузжоний, Банокатий, Шарафуддин Али Яздий ва бошқаларнинг асарларидир. Асарнинг яқунловчи қисми эса, бизга номаълум бўлган расмий ҳужжатлар (сарой солномаси бўлиши мумкин) асосида тузилган бўлса керак. Академик В. В. Бартольднинг фикрига кўра, бу боб Абулхайрхоннинг сафдошлари — воқеалар шохидларининг, биричи навбатда отасининг кўп юришларида қатнашган Суюнчхўжахоннинг эсдаликларига асосланган.

«Тарихи Абулхайрхоний»нинг сақланиб қолган нусхалари анчагина. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг ўзида учта нусхаси мавжуд. Уларнинг биринчиси (№ 1512, 268 варақ, настаъликда ёзилган) А. А. Семёновнинг шаходат беришича, XVIII асрда кўчирилган. Бу кўлёманинг бошланиш ва охирги қисмлари йўқ, бунинг устига намликдан вақт ўтиши билан шикастланган. Иккинчи нусха (№ 5392, 43 варақ, настаъликда ёзилган) шу номдаги кўлёманинг фақат охирги қисми бўлиб (1900—1901 м. й.), 1318 хижрий йилда кўчирилган. Охирги, учинчи кўлёмма мукамал (№ 9989) бўлиб, нозик расмлар билан безатилган ва 1825—1826 йилларда тузилган. Сапкт-Петербург давлат дорилфунунининг кутубхонасида «Тарихи Абулхайрхоний»нинг яхши бир кўлёмаси (№.852, 479 варақ) (сақланади, у 1818 йил 3 майда кўчириб битирилган. Масъуд ибн Усмон Кўхистоний кўлёмасининг энг қадимги нусхаси Русия ФА Шарқшунослик институтида сақланади (с. 478, 248 варақ). «Тарихи Абулхайрхоний»нинг бир нусхаси Британия музейида, аммо у мукамал эмас. Унинг бошланиши ва охирги қисмининг деярли ярми йўқ. Унда воқеалар баёни Абулхайрхоннинг Мустафахон билан олиб борган жангидан бошланади. Кўлёммадаги бу қамчилик асардан илмий фойдаланиш имконини бермайди. Ушбу риёоламизга биз Санкт-Петербург Шарқшунослик институти кутубхонасидаги нусхани асос қилиб олдик, чунки у юқорида айтиб ўтганимиздек, энг қадимий мукамал ва ишончли нусха ҳисобланади.

«Тарихи Абулхайрхоний»нинг ҳам тили жимжимадор, сержило ва кўп шеърлар билан музайян этилган. Асар ҳукмрон зодагон қиборларнинг гоёлари билан сугорилган, унда Абулхайрхон, унинг авлодлари ва атрофидаги зодагон-саркардаларнинг донишмандликлари, сезгирликлари, узокни кўрабилишлари, сахийликлари ва жасур-ликлари мадҳ этилган. Воқеалар қиссагўйлик тарзида баён этилган бўлиб, одатдагидек кўчманчи ўзбекларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ва зодагонларнинг эзиб ишлатишларидан азоб чекувчи, бехисоб урушлар, улуслар орасидаги қелишмовчиликлардан хонавайрон бўлган оддий кўчманчиларнинг аҳволи ўз аксини топмаган. Албатта, сарой тарихчиси мукамал ва ҳақгўй асар ёзади, деб ўйлаш соддадиллик бўлур эди. У замон тарихнавислиги у ёки бу даражада анъанавийлик ва бирёқламаликка мойил эди. Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг асари ҳам улардан афзал эмас. Аммо шунга қарамай, ўша пайтлардаги Дашти Кипчок аҳолисининг кўчманчи ҳаёти, кўчманчилар давлатининг хусусиятлари ва зодагонлар орасидаги қураш ҳақида бирмунча қимматли маълумотлар олса бўлади.

Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг бу асаридан олимлар жуда қанча фойдаланишган. Шунинг учун Ўзбекистон ва Қозғистон халқларининг ўрта аср тарихини ўрганишда

таджикотчиларга у хали кўп ёрдам беради.

Кўчманчи ўзбеклар давлатининг сиёсий тарихи бўйича, XVII асрда яшаган балхлик Ўрта Осиё тарихнависи Махмуд ибн Валининг катта тарихий асарида кимматли маълумотлар бор. Муаллифнинг хаёти ва фаолияти тўғрисида афсуски маълумотлар жуда кам. Асарнинг бошланиш қисмида қайд этилишича, у ўз даврининг ўқимишли одами бўлган. Ахлокий, панд-насихат, диний ва адабий мавзуларга багишланган бирнеча асарлар унинг каламига мансуб: булар «Равойихи таййиба» («Хуш ислар»), «Мухаббатнома», «Нажми сойиб», «Ёркин юлдуз», «Рисолаи бахория», «Ахлоки Хусайний» ва 50 минг байтли девон. Махмуд ибн Вали 1595—1596 йилларда Балхда тугилган, шу ернинг ўзида ўқиган, 1624—1630 йилларда Хиндистонда яшаган, сўнгра яна Балхга қайтиб келган ва то умрининг охиригача (қачон вафот этгани номаълум) шу ерда (Балхда) яшаб, аштархоний Надир Мухаммадхон хузурида кутубхонача бўлиб хизмат қилган (1635—1642).

Махмуд ибн Вали йирик асарининг номи «Бахр ул-асрор фи манокиб ал-ахёр» («Химматли кишиларнинг яхши сифатлари хақида (хикоя қилувчи) сирлар денгизи») бўлиб, комусий мазмундаги китобдир. Китобда фазо илми, жугрофия ва умумий тарихга оид маълумотлар бор. Асар, аввал Балх ноиб, сўнгра Бухоро ҳамда Самарқанд хукмдори Аштархоний Надир Мухаммадхонга багишланган.

Махмуд ибн Вали ўз асарини ёзишга 1631 йили қиришди ва уни 1640—41 йиллардан сўнг тугатди. «Бахр ул-асрор» етти жилддан иборат бўлиб, ҳар бир жилд ўз навбатида тўрт рукндан (бўлимдан) иборат. Олтинчи ва еттинчи жилдлар умумий тарихга багишланган. Афсуски, бизгача асарнинг фақат биринчи (фазо илми) ва олтинчи (мўғуллар, теурийлар, шайбонийлар ва аштархонийлар тарихи) жилдлари етиб келган. Олтинчи жилднинг биринчи уч рукни Ўзбекистон ФАда сакланади, унинг охириги рукни хулосавий, боби билан бирга, чет элда, Лондондаги «Индия Оффис» кутубхонасида (тартиб № 575) сакланади (эски тартиб № 1496).

Асар (6 жилди)нинг биринчи рукни мустақил кимматга эга эмас, чунки у Жувайний, Рашидиддин ва Вассофларнинг асарларига асосланиб ёзилган. Умуман, иккинчи ва учинчи рукнлар ҳам асосан кўчирилган маълумотлардан иборат. Лекин айтиб ўтиш керакки, бу рукнларда Чигатойлар тарихи, айниқса Элчигатой (1321 — 1322) ва Кепакга қарши исён кўтарган, Хуросонга юришлари билан машхур бўлган шахзода Ясавур (1309 — биринчи хукмдорлиги, 1318—1321 йиллар — иккинчи хукмдорлиги) даври, Жўчилар сулоласи тарихи муфассал келтирилган. «Бахр ул-асрор»нинг охириги, тўртинчи рукни мустақил кимматга эга бўлиб, XVII асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиё тарихи бўйича мўътабар манба ҳисобланади.

Араб муаллифларидан биз ал-Умарий, ибн Батутта, ал-Макризий, ал-Айний ва бошқаларнинг В. Г. Тизенгаузен таржимасидаги асарларидан фойдаландик. Олтин Ўрданинг XIV ва XV асрлардаги сиёсий тарихи бўйича кўп маълумотлар рус солномаларида бор. Бу манбаълар бизга бир томондан, Олтин Ўрда олий ҳокимияти учун ўзаро, бошқа томондан — Жўчи улуси ва Русия билан қурашган Ўрда, Шайбон ва Туга Темурлар авлодларининг ўзаро муносабатларини ўрганишга имконият бердилар.

давоми бор